

2024 ЙИЛ - ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи чақириқ LXXXVI сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туман Кенгашининг депутатлари, туман корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, вилоят бошқармаларининг бошлиқлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Шу вақтга қадар туман ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Аббосов Низомиддин Равшанович соғлиги ёмонлашгани туфайли ўз аризасига асосан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Сессияда Бегматов Бахтиёр Пахриддинович Бўка тумани ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимига тасдиқланди.

Халқ депутатлари Бўка туман Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокими З.Мирзаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

ЁШЛАР - УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ

2024 йил - "Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қувватлаш йили" деб номланди. Ўтган йилларда бошланган ишларнинг мантикий давоми сифатида жорий йилда ҳам инсон қадрини улуғлаш, аҳолимиз манфаатларини таъминлаш, бандлигини таъминлаш ва бизнесни ривожлантириш, бунинг учун кучли иқтисодийёт барпо этиш устувор вазифа бўлиб қолади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишсизликни олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада хотин-қизлар ва ёшларни турли касб-хунарларга ўқитиш, тадбиркорликни бошлалари учун имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиб берилапти, бизнес лойиҳалари қўлаб-қувватланмоқда.

Статистика маълумотларига кўра, юртимизда ишсизлар сони 1 миллион 300 минг нафарни ташкил қилади. Бу йил яна 2 миллион 400 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади.

Шуларни инобатга олиб, сифатли ва юқори даромадли иш ўринлари ҳисобига жорий йилда 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Президентимиз 8 январь куни аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартиришга оид таклифларини баён этиб, мута-

саддиларнинг бу борадаги дастурлари бўйича ахборотларини эшитиб тегишли тавсиялар берди. Йиғилишда сўнгги йилларда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилгани таъкидланиб, энди уларнинг фаолиятини кенгайтириш, босқичма-босқич кичик бизнесга ўтказиш ва бозор топишига кўмаклашиш муҳимлиги айтилди. "Менинг бизнесим" платформаси, "Бизнесга биринчи қадам" банк карталари жорий этилиши бунинг учун қулайлик яратади.

Иқтисодий айланмага киритилмаган ерларни инфратузилмага улаш, лойиҳаларни ишга тушириш учун ташаббускорларни қўлаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди. "Агрегатор" тизими асосида "100 минг экспортчи деҳқон" дастури жорий қилиниб, бу йил 15 минг гектар ер майдонлари аукционга чиқарилиши белгиланди.

Меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларни касб-хунарга ўқитиш, ижтимоий реестрдаги фуқароларни ишга олган корхоналарга солиқ бўйича енгилликлар қўллаш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Даврон ТЕМИРОВ,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар
ҳаракати O'zLiDeP туман
Фахрийлар кенгаши раиси.

ВАТАН МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Ватан сўзи чуқур мазмунга эга бўлган муқаддас тушунчадир. У энг аввал ота-боболарнинг покиза ҳоклари ила шарафланган жойдир. Инсон азиз ва мукаррам қилиб яратилганлигини Ватанни севиш, қадрлаш ва унинг равнақи йўлида хизмат қилиш каби фазилатларда кўришимиз мумкин.

Туманимиздаги 6-мактабнинг 3-"А" синф ўқувчилари иштирокида "Ватан муқаддас даргоҳ" шиори остида Ватан

чилари устозлари билан тайёрлашган байрам дастурини ота-оналар ва ўқувчиларга намоиш этишди. Улар ижросидаги "Дада", "Ўзбекистон", "Менинг армиям", "Чегарачи", "Фарзандман", "Юрт" каби шеър, қўшиқ ва рақслари даврага файз киритди.

-Буюк орзулар ва интилишлар мактабда сайқалланиб боради, -дейди 3-"А" синф раҳбари Нилуфар Исақулова. - Ватанга илк муҳаббат аввал боғчадан, сўнгра мактабдаги устозлар сабоғидан бошлана-



ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА



Шарафли касблар кўп. Улар орасида энг шарафлиси ўз она Ватани ва халқининг тинчлиги учун хизмат қилишдир. Миллий армиямизда минг-минглаб ўғлонларимиз чинакам мардлик, ҳақиқий ватанпарварлик намунаси бўлиб хизмат қилишмоқда.

Туман ҳокимининг молия иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Мансур Сайдуллаев, туман ҳокимининг ўринбосари хотин-қизлар бўлими бошлиғи Зиёда Маннопова, туман

ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Одил Джураев, Ўзбекистон Экологик партияси туман Кенгаши раиси Абдухалил Нишоновлар Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан туманимиз чегара ҳудудидаги ҳарбий қисмда бўлишди. Туман маданият уйининг хонандалари иштирокидаги байрам дастури намоиш этилганидан сўнг ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига байрам совғалари топширилди.

Г.ЁМҒУРОВА.



ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни мактаб директори Шамсиқамар Шерманова очиб берди. 3-"А" синф ўқув-

ди. Ватанга муносиб фарзанд бўлиш ўқувчидан катта ирода ва билимни талаб этади.

Тадбир сўнггида ўқувчиларнинг барчаси мактаб маъ-

мурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилфуза УСМОНОВА.

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАНГИЗ «ХАЛҚ ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА МЕХНАТ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларни ривожлантириш бўйича янгича тарзда ёндашилмоқда. Лицензиялаш, рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги кўплаб ўзгаришлар юз берди. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш ва улар билан боғлиқ бошқа тартиблар барча учун очиқ бўлган "Лицензия" ахборот тизими (махсус электрон тизим) орқали амалга оширилади. Лицензиялар ёки рухсатномалар бериш учун ариза берувчиларнинг аризалари, шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар ваколатли органлар томонидан махсус электрон тизим (license.gov.uz), Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона интерактив давлат хизматлари портали) (www.mv.gov.uz) ёки Давлат хизматлари маркази орқали шахсий мурожаат орқали қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон "Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома Юридик шахс (иш берувчи) ва

жисмоний шахсларга (иш берувчи ёки чет эл фуқароси) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун берилади.

Аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараварида йиғим ундирилади.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат берилганлиги учун қуйидагича йиғим ундирилади:

Юқори малакали мутахассислар, шунингдек, Президент мактаблари ва олий ўқув юртларида ишлаш учун жалб этилаётган ўқитувчилар ва мутахассислар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида;

малакали мутахассислар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида;

ватандошлар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида;

бошқа чет эл фуқароси бўлган шифокорлар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида;

заргарлик саноатига оид касблар ва лавозимларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун жалб қилинган чет эл фуқаролари учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида;

бошқа чет эл фуқаролари учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари миқдо-

рида.

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати:

Иш берувчиларга тасдиқномалар юқори малакали ва малакали мутахассислар, шунингдек, Президент мактаблари ва олий ўқув юртларида ишлаш учун жалб этилаётган ўқитувчилар ва мутахассислар учун - меҳнат шартномалари амал қиладиган муддатга, бироқ уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга чексиз марта узайтириш имконияти билан, аммо ҳар бир ҳолатда бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга. Бошқа чет эл фуқаролари учун - тасдиқномалар меҳнат шартномаси амал қиладиган муддатга, бироқ бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга чексиз марта узайтириш имконияти билан, аммо ҳар бир ҳолатда бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги рухсат этиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади ҳамда 15 иш куни давомида мурожаатларни кўриб чиқади.

К.АСКАРОВ,
туман адлия
бўлими Давлат
хизматлари маркази
директори.

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИДА ЁНГИННИ БАРТАРАФ ЭТИШ ШАРТЛАРИ



Баланд-баланд биноларнинг қурилиши, инсонларнинг эҳтиёжлари, илгаригига қараганда кўпайиб бораётганлиги, фуқароларимизнинг қурилиш ишларини олиб бориш жараёнида ёнгин хавфсизлиги талабларига амал қилмаганликлари оқибатида жойларда ёнгинларнинг кўпайиб кетаётганлиги натижасида инсонларнинг ҳалок бўлишлари кузатилмоқда. Шунинг учун доимо қурилиш ишларини давлат ташиқлотларида ва яшаш уйларида амалга ошираётганда ёнгин хавфсизлиги бўйича қўйилган талабларни бажариш керак. Янги биноларнинг қад ростлаши аҳоли учун жуда яхши албатта. Лекин хавфсизлигига ҳам аҳамият бериш керак. Қурилаётган бинолар ва маиший хизмат кўрсатиш жойларини мустаҳкам даражаси ва уни ҳар қандай шароитда ҳам чидамлилиқ даражаси аҳамиятли. Фавқулодда вазиятлар бўлган ҳолатларда ер қимирлашлари ва ёнгинга бардошли бўлишига катта эътибор қаратишимиз керак албатта. Бундай биноларда ёнгин ўчириш техника воситалари, керакли миқдорда сув ҳавзаларини ёки сув олгич (гидрантларини) бўлиши ёнгинларни олдини олишда аҳамиятга эга.

Э.АҲМЕДОВ,
туман ФВБ П ва НБ катта
инспектори, катта лейтенант.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИГИ

2000 ва 2010 йилларда МДХ мамлакатларининг барча аъзолари ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссияси ҳудудларидаги кўпгина мамлакатлар аҳолини рўйхатга олишда фақатгина анъанавий усулдан, яъни аҳоли билан юзма-юз сўров ўтказиш усулидан фойдаланишган.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишнинг сўнгги 2020 йилида эса кўпгина мамлакатлар аралаш усулдан фойдаланишди. Улар МДХ давлатлари орасида Арманистон, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси ҳамда БМТ ЕИК ҳудудларида эса 13 та мамлакатлардир. Ушбу мамлакатлар аҳолини рўйхатга олишда анъанавий усул билан бирга, замонавий технологиялардан, интернет тармоғидан, планшет ва бошқа мобил қурилмалардан кенг фойдаланишди.

Аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш 2020 йилда МДХ мамлакатлари ҳудудидаги жами аҳолининг 74 фоизи рўйхатга олувчи ходимлар томонидан рўйхатга олинган бўлса, 16 фоизи интернет тармоғи орқали ўзлари рўйхатдан ўтган ҳамда қолган 10 фоиз аҳолининг маълумотлари турли маъмурий манбалардан олинган.

Беларус Республикасида жами рўйхатга олинган шахсларнинг 76 фоизи рўйхатга олиш ходимлари томонидан планшет қурилмалари ёрдамида сўров ўтказиш усулида рўйхатга олинган ва аҳолининг 22 фоизи интернет тармоғи орқали рўйхатдан

ўтган. Қолган 2 фоиз аҳоли рўйхатга олишда иштирок этишдан бош тортган, улар тўғрисидаги маълумотлар маъмурий манбалардан олинган.

Россия Федерациясида ҳам аҳолини рўйхатга олиш электрон шаклда ўтказилган. Аҳолининг 18 фоизи интернет тармоғи орқали рўйхатдан ўтган бўлса, қолган қисми рўйхатга олувчи ходимлар томонидан аҳоли ўртасида сўров ўтказиш орқали планшет қурилмалари ёрдамида маҳаллий дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида рўйхатга олинган.

Қозоғистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш рақамли шаклда амалга оширилган бўлиб, респондентларнинг 40 фоизи саволномаларни интернет тармоғи орқали мустақил равишда тўлдиришган, 60 фоизи эса планшет қурилмалари ёрдамида сўров ўтказиш усули орқали рўйхатга олинган. Бу жараёнда респондентларнинг тўлиқ исми, жинси ва туғилган санаси тўғрисидаги маълумотлар маъмурий манбалардан тўлдирилган.

МДХ минтақасидаги аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш 2020 йил ва аввалги йилларига нисбатан



бурилиш нуқтаси сифатида қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш лозим:

аҳолининг интернет тармоғи орқали саволномаларни мустақил равишда тўлдириш имкониятидан фаол равишда фойдаланганлиги;

аҳолини рўйхатга олишнинг қоғоз шаклларида деярли бутунлай воз кечиш ва аҳоли ўртасида сўров ўтказишда планшет қурилмаларидан фаол фойдаланилганлиги;

аҳолини рўйхатга олишнинг анъанавий усули билан биргаликда маъмурий маълумотлардан, яъни аҳоли регистрларидан фойдаланиш аҳолини рўйхатга олиш моделини янада мураккаблашганлиги;

респондентларнинг жавобларини қайд этиш учун техник восита сифатида олдиндан ўрнатилган мобил иловага эга рўйхатга олувчиларнинг

шахсий телефонларидан фойдаланилганлиги.

Аҳолини рўйхатга олишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида рўйхатга олиш жараёнига тўлиқ ахборот технологиялари жорий қилинди. Рўйхатга олувчилар маълумотларни реал вақт режимида электрон қурилмалар орқали узатганликлари маълумотларни йиғиш жараёни тўлиқ рақамли амалга оширилганлигини англатади. Респондентларга ўзлари ҳақидаги шахсга доир маълумотларни интернет тармоғи орқали юбориш имкони ҳам берилган.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сонини, аҳоли таркиби ва унинг яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотларни билиш имконини беради. Асосийси, бу натижаларни турли хил умумлашган, шахсизлантирилган жадвалларда акс эттириш мумкин ва улардан нафақат бутун мамлакат, балки аҳолининг турли тоифалари ва ҳудудлари бўйича ҳам таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Бу аввалги аҳолини рўйхатга олишдан кейин ўтган вақт давомида ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришлар динамикасини баҳолаш имконини беради. Ушбу маълумотлар аҳолининг истикболли ҳисоб-китоблари ва яқин йиллардаги мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг асосий хarakterистикалари учун асос бўлиб хизмат қилади.

У.САТТАРОВ,
Тошкент вилояти
статистика
бошқармасининг
бўлим бошлиғи.

Кузнинг охириг кунлари. Дарахтларнинг барглари саргайиб тўкила бошлаган. Қуёш чиқиб тургани билан этни жунжиктирадиган шамол эсмоқда. Бу пайт қишлоқнинг чекка ҳовлисидаги каттадан кичик иш билан овра. Пардабой ота ҳовлидаги столда ўтириб, невараларининг ўйинларини бир чеккада индамай кузатади. Улар берилиб қум ўйнашарди. Бир пайт Бобурбек қўлимлаб йиғлаб қолди. Унинг бармоғидан қон сизиб чиқарди. Пардабой ота неварасини оутгач, у яна ўйинга тушиб кетди. Ота 80 ёшни қоралаган, лекин ҳали ҳам тетик. Ҳовлида кампири Маърифат хола ҳам нимадир қилаяпти. Ота ёшлигини эслади. Мактабни тамомлаб, тумандаги механизаторлик курсини битирди. Техника жону дили эди. Бутун умрини техникага бағишлади. Далага тонг саҳардан кетиб, чошгоҳда қайтарди. Ишчанлиги, меҳнатсеварлиги уни эл ичида танилган эди. Онаси Турдинисо момо

маошингни олиб кел, рўзғорга керакдеса сабр қилинг, бир кун берадиде, дер эди. Унинг учун каттаю кичик баробар эди. У эл ардоғидаги инсон эди. Ёдида кампири Маърифат хола ҳам олдин маҳаллада ҳисобчи бўлиб ишларди. Йил охирида иш шундай кўпайиб кетардики ҳатто уйига ҳам келишга вақти бўлмас эди. Беш нафар фарзанди онасига қолиб кетарди. Ана шундай кунларнинг бирида отанинг трактори бузилиб қолди. Тракторни гаражга олиб бориб қўйди. Мана уч кундики уни тузатиш билан овра. Ҳаш-паш дегунча соат тунги ўн бўлди. Аёлини олиб кетиш учун унинг ишхонасига борди. Икки-учта ҳисобчи аёл ишга шўнғиб кетган, сиз кетаверинг, бироз ўтиб ўзимиз борамиз, дейишди улар. Ота бироз ўтиргач, пиёда йўлга отланди. Соат ўн бирдан ошиб қолган эди. Ҳамма жой қоп-қоронғу ва

жим-жит эди. Ўта жим-житлик ҳам инсон кўнглига қўрқув солади. Ишхона билан қишлоқ ораси эса икки чақирим келади. Кенг яланглик. Атрофда бирор ялт этган ёруғлик йўқ. Шу йўлдан ҳар кун тракторида ўтардию бундай жим-житликни сезмас экан. Бугун негадир юрагига қўрқув оралади. Ота тез-тез одимлаб кетарди. Йўлнинг бир тарафи пахта даласи бўлса, иккинчи томони боғ эди. Бир маҳал боғ томондан бир гала ёруғликнинг унга томон келаётганини пайқаб қолди. Отанинг юраги ҳаприқиб кетди. Улар бир гала чиябўрилар эди. Ота югуриб қочди. Бир зумда чиябўрилар икки бўлинишиб, отанинг икки тарафидан югуришга тушди. Умрида бундай тез югурмаган эди. Шу югургандан қанча югурди билмайди. Чиябўрилар ҳам тенгма-тенг боришарди. Ниҳоят қишлоққа яқинлашиб қолди. Қишлоқдаги

итлар келаётган хавфни сездими тўсатдан ҳура бошлашди. Чиябўрилар итларнинг овозини эшитиб, аста-секин ортада қола бошлашди. Ота қишлоқнинг уйлари олдига етиб келганда чиябўрилар бутунлай кўринмай қолди. Итлар тинмай вовуллашарди. Бу пайт Ҳабибулла ака хавотирланиб, уйдан чиқиб келди. Кўзи кўчада ҳансираб чўккалаб ўтирган Пардабой акага тушди. Унинг гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди. Қишлоқдоши бир пиёла сув олиб чиқиб берди. Ўғли Баҳромга акангни уйига олиб бориб қўй, деди. Эртаси кун бу гап бутун қишлоққа тарқалди қизикқанлар отанинг уйига келиб, бўлган воқеани айтиб беришини қайта-қайта сўрашди. Одамлар наздида ота ҳақиқий қаҳрамонга айланди. Лекин бу йўлдан энди ҳеч қачон бир ўзи юрмайдиган бўлди.

Жамила РАЙИМҚУЛОВА,
«Янгиқўрғон» МФЙ отинойиси.

ҚИШ ҲАҚИДА АНТИҚА ИНШО

Азиз икки кунки, қиш ҳақида иншо ёзиш билан банд. Икки кундан бери ёзгани атиги биргина қатор: «Қор ёғиб, дарахтлар ва ерлар оппоқ либосга бурканди...»

Устоз доим бир сўз билан сизни мот қилади. Устозга воқеа керак, воқеада эса маъно бўлсин, кишини ўйлантирсин...

Вазифа берилган кун хайлида «шу ҳам иншо бўлибдими», дея йигитча ўйга ботган, қани ёзолса. На воқеа, на қор, на ёмғир ва на совуқдан дарак бор. Ўйининг боши, охири кўринмайди. Ўтган йилги қишда чанаси билан қирдан думалаб кетган синфдошини эслади-да, воқеани бошқача тасвирламоқчи бўлди-ю, қувонгандан столнинг тортмасини титкилаб янги ручка қидира бошлади. Ана ручка ҳам топилди. Азиз қоралама дафтарига ёза бошлади.

Мана, коньки учиб бораётган бир бола сирпаниб, қияликдан пастга томон ағанаб кетди. Дўстлари эса уни пайқамай қолишди. Энди нима бўлади? Пешиндан кейин чиқиш керак эмас эди, ўзи. Ҳали замон қоронғи бостириб келса... юраги орқага тортди.

Одатда эртақларда қиш кунлари оч бўрилар овга чиқади. Бу ер шаҳардан ташқари жойлар бўлгач, қоронғи тушиши билан ҳамма уй-уйига кириб кетади. Совуқда, кўчада одамлар нима ҳам қиларди. Ана шунда мўъжиза содир бўлади. Олга кетган болалардан биттаси, масалан, Абдукарим. У жуда ҳам хушёр бола. «Биз ҳали, бошида ўнта эдик, ҳозир кимдир йўққа ўхшаяпти», дейди у.

Ким йўқ, ким йўқ, деб бир сидра ҳаммалари бир-бирини йўқлашади. «Нодир йўқ-ку!» деб қичқириб юборишади болалар. Шундан кейин улар орқаларига қайтиб, қияликларни диққат билан кўздан кечирдилар. Пастда, ҳув ана, қари арчага суянганича биров ётибди. Бу, албатта, Нодир бўлиши тайин. Ундан бошқа ким ҳам бўларди. Болалар конькиларида «ғувиллашиб» пастга шўнғидилар. Нодирнинг ўнг оёғи қаттиқ лат еган экан. У юролмасди. Қийинчилик билан бўлса-да, амаллаб етиб келишди. Нодирнинг онаси, бувиси аввало уни эҳтиётсизликда айблаб роса койишди. Кейин, омон келишганига шукр қилиб, болаларни алқай кетишди. Шунда Азиз, яхшиям етиб келдик, бўлмасам қашқирлар ҳужумига учармидик, деганди Нодирнинг бувиси уни қучоқлаб, вой ҳазилкаш болам-ей, деб қулиб юборди.

— Ростдан ҳам қашқирлар йўқми?

— Эй, болажонлар, қашқир, тулки деганинг ҳозир отликқа йўқ, ҳали-ку сизлар. Бўрилар бу ерларга келмайдиган бўлишган, узоқ-узоқларга бош олиб кетишган. Лекин сизлардан жуда хурсандман, барака топинглар, болаларим. Қани уйга қиринглар, сизларни бир меҳмон қилай, ўзим, деди буви болаларни эркалаб.

— Энди уйга борайлик, кутиб қолишгандир, — деб болалар уй-уйларига тарқалишди.

Шундай қилиб, Азиз қиш ҳақидаги иншосини у ёқ бу ёғини тўғрилаб, оққа кўчиришга киришганида қўлоғига қандайдир увиллашга ўхшаш овоз эшитилди. Наҳотки қашқирлар?! Ташқарида эса шамол увиллай бошлаган, гўё кечиккан қиш: «Мана, мен келдим, чиқмайсанми энди?», дея дўқ қилаётганга ўхшарди. Ҳа, мана буни қиш деса бўлади.

Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи.

ХАТАРЛИ ЙЎЛ



ҲАРБИЙЛАР ЎҚУВ ДАРГОҲИДА

Ҳарбий қисмимиз байрам арафасида Яккасарой туманидаги 127-мактабда "Очиқ эшиклар кунини" тадбирини ташкил этишди. Ўқувчилар ҳарбийларнинг бир кунлик ҳаёти ва машғулотларини жонли тарзда кўришга муваффақ бўлишди.

Ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари, ҳарбий машқлари, ҳарбий техника ва улардан фойдаланишнинг амалий кўргазмаси мактаб ўқувчиларида катта таассурот қолдирди. Улар кўргазма билан танишиш жараёнида ўзлари учун фойдали бўлган керакли маълумотларга эга бўлишди.

Нурбек АБДУЖАЛОЛОВ,
ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, кичик сержант.



ҲАРБИЙ СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 79-сонли фармойишига мувофиқ тасдиқланган Режага

асосан Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси 65921-ҳарбий қисми, ДХХ чегара қўшинларига қарашли Фишткўприк бўлинмаси билан ҳамкорликда Тошкент тумани ММТБ тасарруфидаги 5-, 8-, 22-, 23-, 26-, 28-, 29-умумий ўрта таълим мактаблари «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати отряд-

лари ўртасида «Ватанпарварлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг ҳудудий босқичи ўтказилди. Унда: 1-ўринни 29-мактаб, 2-ўринни 23-мактаб, 3-ўринни 8-мактаб «Ватан таянчи» отряди аъзолари эгалладди.

К.КОЗОКОВ,
ДХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси, сержант.

ИЗТИРОБ

Инсон ҳаётида учрайдиган қайғу, ғам одамни тушкунлик ҳолатига олиб келиши мумкин. Инсон кимдандир хафа бўлганида ёки яқинларидан кутилмаган сўзларни эшитганида қалбига озор берадиган гапларни тинглаганида изтироб чекади. Изтироб инсоннинг кўзларинигина эмас қалбларини ҳам йиғлатади. Бу туйғу кўнгилни парча-парча бўлиб кетишига сабаб бўлади. Изтироб нима? У ҳақиқатни била туриб, ёлғонни жимгина тинглаш. Доимо ғамгин юрадиган инсонларда ана шу маҳзун туйғу изтироб бўлади.

Нафисабону АБДУХАЛИЛОВА,
«Бўка ниҳоллари»
маҳорат мактаби аъзоси,
5-мактабнинг ўқувчиси.

Эълон ва билдирувлар

Тумандаги "SHEROZBEK-ZIYODULLA BIZNES" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Эргашев Адхам Примовичга тегишли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Туман ҳокимининг 2020 йил 3 апрелдаги 352-сонли қарори асосан «Бўка», «Кўкорол», «Равот», «Бўстон», О.Йўлдошев номли, «Мустақил Ўзбекистон», «Бахмал», «Паркент», «Дўстлик» хўжаликлари ҳудудида барпо этилган 150 гектарлик тутзорлар 5 йил муддатга туманимизнинг ишсиз фуқароларига қасаначи сифатида фаолият олиб боришлари учун берилишини маълум қиламиз.

Манзил: Бўка тумани Жағалбайли МФЙ.
Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефон рақамлари орқали боғланинг.
97 -884-35-81, 99-372-72-43, +998333530201.
«Toshkentsilkpro» МЧЖ.

АРМИЯ ВА ХАЛҚ БИР ТАҢУ БИР ЖОН



Ана шу шиор остида Куролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 32 йиллигига бағишланган тадбирни 36-мактаб директори Нурсултон Мирзабеков очиб берди.

Ўқувчилар томонидан тайёрланган Ватанни мадҳ этувчи қўшиқлар ижро этилди. Мактабнинг юқори синф ўқувчилари томонидан жанговар машқлар намойиш этилди.

Мактаб ўқитувчиси Равшан Ўрозбеков даврага гитара билан кириб келди. У ижро этган қўшиқлар барчани ёш-

лик чоғларига қайтарди. Мактабнинг амалиётчи психологи Дилором Раззоқова томонидан ўйин тарзидаги машғулотлар намойиш этилди. Устозлар томонидан "Совчи" номли сахна кўриниши ижро этилди. Мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси "Сумбула" ашуласини жонли ижро этиб берди.

-Бугунги тадбирда ўқувчилар билан бирга ўқитувчилар ҳам ўз иқтидорларини намойиш этишди, - дейди 36-мактаб директори Нурсултон

Мирзабеков. -Бу уларнинг доим бирга ҳамфикр бўлиб, тадбир ташкил этишларининг ифодасидир. Мактабимизда ўқувчиларга ўзбек ва қozoқ тилларида сабоқ берилганлиги учун ҳам тадбирларимиз ҳам икки тилга бир хил ҳурмат тарзида ўтказилади.

Тадбир сўнггида фаол ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА.

МЕН ҲАМ АСКАР БЎЛАМАН



Йигитларимиз улғайган сари ўзларини аскардай тутишга интилишади. Уларга бу туйғу устозлари томонидан она Ватанни севиш ва кўз қорачиғидек асраш билан сингдириб борилади.

14 январь - Ватан ҳимоячилари куни мактабимизда ҳам кенг нишонланди. Барча синфлар байрамона либос кийиб, "Мен ҳам аскар бўламан" деб номланган тадбирда намунали иштирок этишди. Шонли армиямизни улуғловчи куй-қўшиқлар ижроси билан бошланган тадбир ҳам-

мани қалбига ҳаяжон солди. Айниқса тадбирга таклиф этилган меҳмонларга ҳарбий хизматдаги чоғларини эслатди. Бошланғич синф ўқувчилари томонидан ҳарбийча рақслар ижро этилди. Куч си-нашиш, ҳарбий салоҳият каби шартларни йигитлар аъло даражада бажаришиб, Ватан ҳимоясига шай эканлигини намойиш этишди.

Азиз ХОЛНАЗАРОВ, 25-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.

КВИЛИНГ САНЪАТИ ЎРГАНИЛДИ



Замонавий технологиялар ингичка чизиклар билан олдиндан кесилган оддий рангли қоғозни ўрашни ўз ичига олади. Кейин уларга керакли шакл берилади ва олинган фигуралар тўлиқ буюм яратиш учун бир-бирига ёпиштирилади. Квиллинг - бу қоғоз ўраш санъати. Эндиликда бу турдаги ижод энг машҳурларидан бири. Турфа хил рангли қоғозли чизиклар ёрдамида текис ва ҳажмли композициялар яратишга асосланган санъат ҳисобланади.

Туманимиздаги мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли "Баркамол авлод" болалар мактаби машғулотларида инновацион янгиликлар яратиш ҳамда фаол тўғарак раҳбарлари ишларини оммалаштириш мақсадида квиллинг санъати бўйича тўғарак раҳбарлари учун ўқув амалий семинар ташкил этилди. Семинарни шу мактаб директори Озода Ортиқбоева очиб берди ва ҳар бир тўғарак раҳбарлари янгиликларга интилиб, ўз устида ишлаб, маҳоратларини оширишлари ҳақида тўхталиб

ўтди.

Семинар иштирокчиларига шу мактабнинг тўқиш тўғараги раҳбари Азиза Аблакулова ҳамда экодизайн интерар тўғараги раҳбари Шоира Шодмоновалар квиллинг санъати ҳақида қатнашчиларга кенгроқ тушунча беришди.

Машғулот давомида рангли қоғозлар ҳамда махсус чизғичлар ёрдамида тўғарак раҳбарлари томонидан нақшларга ҳар хил шакллар бериб борилди. Берилаётган шаклларга керакли схемалардан фойдаланилди.

Семинардан кўзланган мақсад янги тўғарак фаолияти билан яқиндан таништириш ҳамда "Ҳунармандчилик ва қўл меҳнати" йўналишини юқори босқичга олиб чиқишдир.

Камола МАДАМИНОВА, "Баркамол авлод" болалар мактаби инновацион технологияларни жорий этиш ва иқтидорли болалар билан ишлаш бўлими бошлиғи.

«Халқ овози»

Муассис:

Бўқа тумани

хокимлиги

Мухаррир

Гулжаҳон

ЁМҒУРОВА

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 23 августда 03-021 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 292
Тахририят манзили:
Бўқа шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 5-уй
Тел: 70-57-35-153
Баҳоси келишилган нархда

Саҳифаловчи-дизайнер

Д.ОЛИМОВА

Газета "Niso nashriyot va matbaa uy" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Ўртаҳириқ тумани "Машғал" маҳалласи 1-уй
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3
Босишга топшириш вақти: 16:00 топширилди: 15:00
Нухаси 893, Буюртма №
© белгилли материал - тижорат материаллари

Тахририятга юборилган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади.

Тахририятнинг электрон манзили:

E-mail: bukaxalqovozi@umail.uz

Нашр учун масъул Д.УСМОНОВА

ISSN 2181-662X | Ҳажми 1 босма табоқ